

Сийрат дарслари (14-дарс)



11:00 / 05.01.2019 3422

* * *

104. Усома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг қизлари у зотга: «Тезроқ келинг, ўғлим қабзи руҳ бўлмоқда», деб одам юборди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам салом айтиб: **«Албатта, олгани ҳам Аллоҳникидир, бергани ҳам Уникидир. Унинг наздида ҳар бир нарсанинг ажали белгилангандир. Сабр қилсин ва савоб талабида бўлсин»**, деб одам юбордилар. У (қизлари) қасам ичиб: **«Албатта келсинлар»**, деб яна одам юборди. Шунда у зот турдилар. У зот билан бирга Саъд ибн Убода, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит ва бошқа бир қанча киши ҳам туришди. Болани Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга кўтариб олиб келишганида унинг жони мешга ўхшаб пўкиллаб қолган эди. Шунда у

зотнинг икки кўзларидан ёш оқди. Шунда Саъд: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу нима?» деди. **«Бу Аллоҳнинг Ўз бандалари қалбига солган раҳматидир. Аллоҳ фақат раҳмли бандаларига раҳм қилади», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

105. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида қуёш тутилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқидилар. Қиёмда узоқ турдилар. Сўнг рукуъ қилиб, рукуъда узоқ турдилар. Кейин тикланиб, узоқ турдилар.

Шуъба айтади: менимча, саждада ҳам шунга ўхшаш. Ва саждаларида йиғлай ва пуфлай бошладилар ва: **«Роббим, мен Сенга истиғфор айтиб турсам ҳам, нима учун буни ваъда қилмоқдасан? Мен уларнинг ичида турсам ҳам, нима учун буни ваъда қилмоқдасан?»** дедилар. **Намозни тугатганларидан сўнг: «Менга жаннат кўрсатилди. Ҳаттоки, қўлимни узатсам, мевасидан узиб олардим. Менга дўзах кўрсатилди. Унинг олови сизларни ўраб олмасин деб пуфлай бошладим»,** дедилар».

Абу Довуд, Насоий ва Ибн Хузайма ривоят қилишган.

* * *

106. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кичкина қизчалари жон таслим қилаётган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни бағирларига босдилар. Сўнг унинг устига қўлларини қўйдилар. Шунда қизча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида жон таслим қилди. Умму Айман йиғлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Эй Умму Айман! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) олдинда турса ҳам йиғлайсанми?»** дедилар. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам йиғлаганларида, мен нега йиғламас эканман!» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен йиғлаётганим йўқ, балки бу раҳматдир»,** дедилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин барча ҳолатда ҳам яхшиликдадир.

Унинг жони танасидан суғурилаётганда ҳам Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд айтади», дедилар».

Насоий ривоят қилган.

* * *

107. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маййит ҳолда ётган Усмон ибн Мазъунни ўпдилар. У зот йиғлар эдилар ёки икки кўзлари ёш тўкар эди».

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

* * *

108. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир аёл мушукни боғлаб қўйиб, унга овқат ҳам бермагани ва ердаги жонзотлардан ейиши учун қўйиб ҳам юбормагани учун дўзахга кирди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

109. Саъид ибн Жубайрдан ривоят қилинади:

«Ибн Умар розияллоҳу анҳу қушни нишон қилиб, ўқ отиб ўйнаётган бир гуруҳ қурайшлик ёшлар олдидан ўтди. Улар тегмаган ўқ қуш эгасиники бўлишига шартлашган эдилар. Ибн Умарни кўришлари билан тарқаб кетишди. Шунда Ибн Умар: «Буни ким қилди?! Ким буни қилса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жони бор нарсани нишон қилиб олганни лаънатлаганлар», деди».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Ҳайвонни қиймалагани Аллоҳ лаънатласин!»** деганларини эшитганман», деди», дейилган.

Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

110. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир киши йўлда кетаётиб жуда қаттиқ чанқади. Кейин бир қудуққа тушиб, сув ичиб, чиқди. Қараса, бир ит ниҳоятда қаттиқ чанқаганидан тупроқларни ялаб юрибди. Ҳалиги киши «Бу ит менга ўхшаб роса чанқабди. Менга етган чанқоқ бунга ҳам етибди» деб, қайтиб қудуққа тушиб, маҳсисини сувга тўлдирди. Сўнг уни тишига тишлаб чиқиб, сувни итга тутди. Аллоҳ унинг гуноҳини мағфират қилди»,** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Бизга ҳайвонларда ҳам ажр борми?» дейишди. **«Ҳар бир ҳўл жигарлида савоб бор»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

111. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир бузуқ аёл иссиқ кунда қудуқни айланиб юрган итни кўрди. Чанқаганидан унинг тили осилиб қолган эди. Аёл унга маҳсиси билан сув чиқариб берди. Шунда унинг гуноҳи мағфират қилинди»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан